

Ал-Азхар раҳбари Қуръон ҳифзи мусобақаси ғолибларини тақдирлади



14:48 / 10.06.2023 1654

Шайх Аҳмад ат-Тоййиб Ал-Азхарнинг Қуръон ёд олган шогирдларини Ислон марказининг энг яхши элчилари деб эълон қилиб биринчи тоифадаги бешта иштирокчи учун мукофотни икки баравар оширишга қарор қилди.

Дастлабки босқичда Исро ал-Саид Саъд Муҳаммад биринчи бўлиб, 200 000 Миср фунти мукофотини қўлга киритди. Зиёд Муҳаммад Мустафо эса 190 000 Миср фунти мукофотини қўлга киритиб, иккинчи ўринни эгаллади. Аҳмад ас-Саид Ҳашиш учинчи ўринни эгаллаб, 180 000 Миср фунти миқдоридagi мукофотни қўлга киритган бўлса, Иймон Аҳмад Ғариб тўртинчи ўринни эгаллаб, 170,000 Миср фунти мукофотига сазовор бўлди ва бешинчи ўринни Малак Валид Иброҳим эгаллади. Унга 160 000 Миср фунти мукофоти тақдим этилди.

Ҳар йили ўтказиладиган мусобақадан кўзланган мақсад ёшлар ўртасида Қуръон ёд олиш ва ўрганишни рағбатлантириш, уларни халқаро форумлар ва Қуръони Карим мусобақаларида иштирок этишга тайёрлашдир.

Манба: @quranuz_